

BUNYODKOR


ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

f uzBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайитириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофликни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2028 йил 31 декабрга қадар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатидан тартибга солишга доир** миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда, шу жумладан, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш босқичида 1-иловада келтирилган **хорижий норматив ҳужжатлар қўлланишига руҳсат этилади:**

маҳаллий лойиҳа-қидирув ташкилотларини жалб этган ва миллий норматив ҳужжатларга номуносив бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни ишлаб чиққан ҳолда, хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларининг мослаштирилиши;

зарур ҳолларда мослаштирилган лойиҳа ҳужжатларини қўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан жалб қилинган мустақил хорижий мутахассислар ва консултантлар хизматлари учун тўлов харажатлари, ушбу ҳужжатларни қўриб чиқиш натижаларидан қатъий назар, буюртмачи (инвестор) томонидан қопланиши;

б) **2020 йил 1 июндан:** солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар) асосида автоматик тарзда шаклландирилган лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади;

в) **2020 йил 1 сентабрдан:** солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари (қурилиш тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш

ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси ҳамда бошқа мезонлар) асосида қурилиш ишлари ҳажмлари ва объектларига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда автоматик тарзда шакллантириладиган **қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади;**

г) **2021 йил 1 январдан:** қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомиллари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг харид тартиб-таомилларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини баҳолашда уларнинг электрон рейтинг маълумотларидан фойдаланиш ва бошқа электрон тизимлар билан интеграциялаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, электрон шаклда онлайн режимда амалга оширилади;

қурилиш соҳасида ўтказиладиган давлат харидларида электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар (иш тажрибаси, молиявий барқарорлиги, штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги ва бошқа мезонлар) бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг иштирок этишига йўл қўйилади;

давлат харидларида иштирок этиш учун руҳсат беришда электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг дастлабки малакавий баҳолашдан ўтиши, шунингдек, танлов (тендер) ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиши талаб этилмайди;

давлат буюртмачилари ва давлат харид субъектлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари комплекс экспертиза ўтказиш учун белгиланган муддатларда энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги бўйича мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт; қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомилларида ғолиб деб топилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ишлар (хизматлар) нархининг камида ўттиз фоизини ўз кучи билан бажариши бўйича талаб жорий этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркорлик субъектларини буюртмачи функциясини

бажаришга жалб қилиш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда – эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги қуйидагиларни назарда тутувчи таклифига розилик берилсин:

Тошкент шаҳрида 2021-2022 йилларда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши режалаштирилган 10 та қурилиш объектлари танлаб олиш; энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра хусусий тадбиркорлик субъектлари билан инжиниринг хизматларини кўрсатиш (шу жумладан, техник назорат ва лойиҳа бошқаруви) юзасидан шартномалар имзолаш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан экспериментда иштирок этувчи қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатининг тасдиқланиши.

Белгиланган қўйилсинки, эксперимент танлаб олинган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, улар фойдаланишга топширилганига қадар амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошида давлат муассасаси шаклида Қурилишда техник меъёрлаш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қурилишда меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб бориш; қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириш; бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талабларини, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

норматив, шу жумладан, хорижий ҳужжатларнинг илмий-техник кутубхонаси ва электрон базасини ташкил қилиш ва юритиш; хорижий ва халқаро ташкилотлар, консултантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказининг бошқарув ходимлари чекланган сони 20 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгиланган қўйилсинки: Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон

Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ХМИ/ХХМТ-нинг техник кўмак маблағлари (грантлари) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказ штат бирликлари тегишли вазирлик ва идораларнинг бошқарув ходимларини 2020 йилда мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги икки ой муддатда 2020-2023 йилларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

миллий норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта қўриб чиқиш ва такомиллаштириш қурилиш соҳасида тажрибага эга бўлган хорижий компанияларни жалб этган ҳолда амалга оширилади;

тармок вазирликлари ва идоралари ишлаб чиқилган ва қайта қўриб чиқилган норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни тасдиқлашдан олдин уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига келишиш учун мажбурий тартибда киритилишини таъминлайди;

тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш ишларининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ислоҳ қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Раматов): вазирлик ва идораларнинг норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш фаолияти мувофиқлаштирилишини;

вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлар, шу жумладан, техник топшириқлар ва танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта қўриб чиқиш бўйича йиллик ва узоқ муддатли дастурлари келишилиши ва уларнинг ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатилишини таъминласин.

(Давоми 3-бетда)

BUGUNGI SONDA:



Йўл қурилиши учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда

3



Қурилиш объектлари учун тендер савдолари

4



Оламни турфа гулларга буркаб келган баҳор байрами барчамизга муборак бўлсин!

5-6

ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

Республикада жадал суръатларда олиб борилаётган ислоҳотлар шаҳарсозлик соҳасидаги қонунчиликни ҳам тубдан такомиллаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди.



Амалдаги Шаҳарсозлик кодекси 2001-2002 йилларда тасдиқланган бўлиб, кейинги йилларда қўйилган талаблар, янги дунёқараш ва иш услубларига мутлақо жавоб бериб қолмади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қурилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамага бағишланган анжуманда Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Қурилиш вазирлиги мутасаддилари, соҳа мутахассислари, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Қурилиш вазирлиги мутасаддилари томонидан таъкидланганидек, Кодекснинг янги таҳририни тайёрлашда қурилишнинг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий принциплари, функциялари ва органлари, норматив-техник ҳужжатларни жорий этиш ва уларнинг каталогларини юритиш, қурилиш соҳасидаги аккредитация тартиби қамраб олинган. Шунингдек, бош режаларни, батаф-

сил жойлашув лойиҳаларини, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш учун талабномаларни келишиши, пудрат учун давлат шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби ҳам ўз ифодасини топган.

Анжуманда қурилиш соҳаси мутахассислари сўз олиб, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида ишлайдиган архитекторлар ва муҳандислар малакасига қўйилган талаблар ва уларнинг жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик даражасини белгиланган ҳолда қурилиш тармоғини профессионал жиҳатдан тартибга солиш масалалари Кодексда ифода этилганини маълум қилдилар. Қурилиш назорати сифатини, конструктив хавфсизлигини, жавобгарлик тартибга солинишини ва суғуртани таъминлайдиган, қурилиш фаолияти субъектларининг рақобат муҳити ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлайдиган бошқа масалалар шулар жумласидан. Маълум қилинганидек, Кодекснинг мавжуд моддаларини қайта ишлаш ва янги нормаларни киритишда Россия Федерацияси, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Буюк Британия, Финляндия, Белоруссия, Қозғоғистон ва Озарбайжон каби давлатларнинг тажрибаси кенг ўрганилди.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИНИНГ янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокамалар марказида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кодексда қурилиш давлат томонидан тартибга солишнинг асосий принциплари алоҳида модда сифатида киритилиб, ушбу принциплар ҳудудий режалаштиришда аҳоли пунктларининг комплекс ва барқарор ривожланишини ҳамда шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда экологик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларнинг мувозанатли ҳисобини таъминлашни назарда тутди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари масъулиги, қурилишга рухсат бериш жараёнининг ошқоралиги ва очиқлиги, шаҳарсозлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликлар ҳам ҳужжатда қатъий белгилаб қўйилган.

Янги таҳрирдаги Шаҳарсозлик кодекси 12 боб ва 85 моддадан иборат бўлиб, унга кири-

тилган бир қатор ўзгаришлар туфайли янги принциплар ўз аксини топган.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозликнинг асоси ҳисобланиб, ҳудудларни ривожлантириш ва қуришни режалаштириш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларнинг лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва реконструкцияси, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳалардаги нормалар ва қоидаларни белгилайди.

Муҳокамалар жараёнида қурилишда суғурталаш бўйича лойиҳага янги модда киритилгани ҳақида ҳам маълум қилинди. Унга кўра, шаҳарсозлик фаолияти қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий жавобгарлиги мажбурий суғурталаниши ҳамда қурилиш объектларини, қурилиш асбоб-ускуналарини тасодифан зарарланиши ёки нобуд

бўлишининг суғурталаниши таъминланади ва натижада қурилиш соҳасига инвестиция киритиш ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашди. Кодексдаги шаҳарсозлик нормаларини ишлаб чиқишнинг тартиби муддатлари ва уларнинг йўналишларини белгиланиши ушбу нормаларни ўз вақтида яратишга ва таъсирчанлигини оширишга имкон беради. Айниқса, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларнинг муҳокамасида жамоатчилик назоратининг иштирокини таъминлаш борасида лойиҳага ўндан ортиқ янги моддалар киритилмоқда. Ушбу моддаларни ишлаб чиқишда Америка Қўшма Штатлари, Канада, Буюк Британия, Финляндия қонуначилигидан кенг фойдаланилганлиги айтиб ўтилди.

Мазкур нормалар киритилиши шаҳарсозлик соҳасида қарорларни қабул қилишда фуқароларнинг фикрларини кенг ўрганилишини, муайян ҳудуддаги ижтимоий ва бошқа масалаларни ечишда жамоатчиликнинг кенг иштирок этилишини таъминлайди, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга, инсонларнинг соғлигини асрашга имкон яратди.

Пудрат ишлари учун давлат шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби ҳам янги таҳрирдаги Кодексда акс эттирилган, пудрат ишларини амалга ошириш шартнома асосида амалга оширилиши қатъий белгиланмоқда. Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича бир қанча янги моддалар киритилган, янги нормалар шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги меъёрларни бирлаштириб, қонун мавқеига эга бўлиб, экспертларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги белгиланмоқда.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Шаҳарсозлик кодексининг қабул қилиниши бюрократик тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган аҳоли пунктларини бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга қаратилган шаҳар чегараларини аниқлашнинг янги қонуний асослари яратилиб, у билан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ишлаб чиқишнинг тартиби, муддатлари ва уларнинг йўналишлари аниқ белгилаб берилди.

Мазкур Кодекснинг қабул қилиниши би-

Акбар РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги Юридик бюро бошлиғи:



– Қурилиш назорат қилиш ва амалга оширишда тўғридан-тўғри таъсир этувчи янги нормалар киритилган бўлиб, улар янги бобда ўз аксини топди. Ушбу бобда қурилиш назорат қилиш турлари, қурилиш соҳасида давлат назорат инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий давлат назорат инспекцияларининг ваколатлари, қурилишда техник назорат, муаллифлик назорати, пудрат ташкилотининг ички назорати, қурилиш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш, объектларни фойдаланишга қабул қилиш каби янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Айтиш лозимки, Озарбайжон, Қозоғистон ва Россия Федерациясининг қурилиш соҳасидаги қонуначилигидан ҳамда амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлар асосида мазкур кодексга ушбу моддалар киритилмоқда. Қурилиш назорат қилиш турлари, давлат томонидан назорат қилувчи инспекциялар, техник, муаллифлик ва ички назоратнинг ваколатлари, қурилиш ташкиллаштириш ва амалга ошириш ҳамда объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиблари янги таҳрирдаги Кодексда ўзининг ифодасини топгани эътиборга молик.

лан лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини республикадаги ва хориждаги энг замонавий тажрибалардан фойдаланган ҳолда олиб бориш имконияти яратилади. Унда жамият ва давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини амалиётда ифодалаш ва ҳимоя қилиш, қурилиш жараёнларини суғурталанишнинг белгиланиши орқали инвестиция муҳити тубдан яхшиланиб, аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, аҳолининг турмуш дара-

жасини янада юксалтириш каби долзарб вазифалар ўз инъикосини топган.

Қизгин баҳс-мунозаралар ва муҳокамаларга бой ўтган тадбирда депутатлар, Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ўзларининг янги таклифларини бердилар. Муҳокамалар якунида тавсиялар ишлаб чиқилиб, билдирилган таклифлар Шаҳарсозлик кодексига киритилиши маъқулланди.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

Ваҳобжон МУРАТҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат,
қурилиш ва савдо масалалари
қўмитаси раиси:



– Бугунги кунда қурилиш жараёнларида сифат назорати муҳим аҳамият касб этади. Бино ва иншоотларнинг сифати, ўзининг мукамаллиги билан кўп йиллар давомида халқимизга хизмат қилиши масаласи ҳам ушбу ҳужжатда ўз ифодасини топмоғи зарур деб ҳисоблайман. Шу сабабли ҳам қурилиш жараёнларида, айниқса лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш объектларининг қурилиш инспекциясини амалга ошириш ва фойдаланишга қабул қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида олиб бориш тартибларига ҳам янги Кодексда кенг ўрин берилган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

мамлакатимиз аҳлини,
юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшаётган
лойиҳачи, қурувчи ва меъморларни
дирғимиз оstonасида турган

Наврўз айёми

билан самимий кутлайди.
Жонажон Ватанимиз тини,
меҳнатсевар, бунёдкор халқимиз
ҳамиша омон бўлсин!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни

Наврўз айёми

билан табриклайди.

Барчага узоқ умр, бахту саодат,
юрт равнақи йўлидаги
эзгу ишларида куч-қувват ва
муваффақиятлар тилайди.
Байрамингиз муборак, азизлар!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Бир ой мuddатда қурилиш тармоғини ислоҳ қилиш, шу жумладан, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида халқаро экспертлар ва консултантларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига амалий ёрдам кўрсатин;

2020 йилда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш, шунингдек, халқаро экспертлар ва консултантлар хизматлари тўловини амалга ошириш учун бир ой мuddатда Қурилиш вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

2021-2023 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур бўлган маблағларни ажратишни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги уч ой мuddатда илгор хорижий тажриба асосида, бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва бошқа мезонларга қараб минимал талабларни табақалаштирган ҳолда қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид меъёрларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини, шу жумладан, лойиҳа-

лаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашда харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича талабларни такомиллаштиришга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

а) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда куйидагилар ишлаб чиқишлигини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларга номутаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни келишиш ва тасдиқлаш тартибини;

«fast-track» усули (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан «тайёр ҳолда топшириш» шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибини;

б) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳуқуқ қарорлари лойиҳаларини киритсин:

икки ой мuddатда – экспериментда иштирок этаётган қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тасдиқлаш ҳақида;

эксперимент натижасидан келиб чиқиб ҳамда илгор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда – марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган ва бюрократия функциясини хусусий тадбиркорлик субъектлари бажарадиган объектлар қурилишини ташкил қилиш ва молиялаштириш, шунингдек,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар қошидаги қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича бюрократия хизматлари фаолиятини ислоҳ қилиш ҳақида;

в) Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кенг жамоатчилигини жалб этган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар кўп квартиралы уйлари улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда куйидаги талабларни ўрнатиш назарда тутилсин:

улуш киритиш асосида уй-жойларни қуриш учун маблағларни жалб этишдан аввал келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг мавжуд бўлиши, қурувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамларида жамланадиган улуш қўшанларнинг маблағларидан мақсадсиз фойдаланишни чеклаб қўйиш;

қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этиш бўйича шартномаларни мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш учун маблағларни жалб этиш учун қурилиш ташкилотларининг ягона реестрини юритиш;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон муҳандислар-консултантлар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар қасбга мувофиқлик сертификатлари берилишини таъминлаган ҳолда қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан бир-

ликда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини яратиш доирасида;

2020 йил 1 апрелга қадар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатини аниқласин ҳамда уларни вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этиш тартиби белгилансин;

электрон рейтингларни жорий этиш учун ўрнатилган мuddатларда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган ҳолда зарур дастурий таъминотни ишлаб чиқсин;

е) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини муостаҳкамлаш ва янгилас бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишнинг куйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов – мазкур Фармоннинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, ҳар

ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқарттириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодиёт ва саноат вазири Ж. А. Қўчқоров – қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил этиш ва қайта кўриб чиқишга илгор хорижий тажрибанин жорий қилинишини, шунингдек, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б. И. Закиров – лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, идоравий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш соҳасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш. С. Хидоят – барча миллий норматив ҳужжатларнинг босқичма-босқич ва сифатли ишлаб чиқилиши ва қайта кўриб чиқилишини, қурилиш соҳасига, шу жумладан, харид тартиб-таомилларига илгор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А. Д. Хаджаев – мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар ташкил этиб, мақола-лар ва тематик телекўрсатувлар эълон қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 март

Ёш тадбиркорнинг зарарли чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳаси



Қашқадарё вилояти «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасининг Шаҳрисабз туман филиали орқали имтиёзли кредит олган ёш тадбиркор Аслиддин Шарипов инновацион лойиҳасини амалга ошириш орқали табиатни асрашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

У раҳбарлик қилаётган «Yangilanish plast» хусусий корхонаси жамғарманинг 250 миллион сўм имтиёзли кредити ҳисобига чиқиндини қайта ишловчи замонавий технологияни ишга туширди. Корхона фаолияти орқали ёш тадбиркор тумандаги ёшларнинг 9 нафарини иш билан таъминлади.

– Тадбиркорлар махсулот ишлаб чиқариш вақтида имкон қадар экологияни зарарлантirmасликка ҳаракат қилиши шарт, – дейди тадбиркор А. Шарипов.

–Менинг лойиҳам эса айнан шунақа зарарли чиқиндиларни қайта ишлашдан иборат. Тўпланган пластик чиқиндиларни гранула шаклига келтириб, уни қайта ишлаймиз. Бир томондан фойда топамиз, бир томондан ҳудудимиздаги чиқиндиларни утилизация қилишга ҳиссамиз қўшилмоқда.

Суратларда: «Yangilanish plast» хусусий корхонасида.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Йўл қурилиши учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда

Олий таълим тизимини янада ривожлантириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокчини янада кенгайтириш устувор вазифалардан. Бу жараёнда, айниқса, автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишлар самарали ташкил этилиб, илгор хорижий услублар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институтини томонидан бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар эътиборга молик. Жумладан, таълим сифатини ошириш, автомобиль йўллари соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимда инновацион муҳитни шакллантириш ва инновация учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўплаб халқаро анжуманлар, илмий-амалий конференциялар, хорижий мутахассислар иштирокчида маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирлар илм-фани янада ривожлантириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва эзгу ғоя, инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этади.

Институтнинг Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси ҳамда Беларуссиянинг «КРЕДО-ДИАЛОГ» ҚК МЧЖ билан изчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, ана шу ҳамкорлик доирасида Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институтини билан биргаликда «Автомобиль йўллари соҳасида Кредо дастурини қўллаш» мавзусида маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Унда иштирок этган ёш тадқиқотчи ва дастурчилар соҳанинг

етақчи мутахассисларидан замонавий билим ҳамда ёндошувларга асосланган кўникмаларни шакллантиришга муваффақ бўлдилар. Ана шу номдаги илмий-амалий конференцияда эса Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институтини ҳамда Беларуссиянинг «КРЕДО-ДИАЛОГ» ҚК МЧЖ ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

– Айтиш лозимки, бугунги кунда Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институтини Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси томонидан 2-курс талабаларига Мухандислик геодезияси фанидан дарс беришда «Кредо геодезия», 4-курс талабаларига «Автомобиль йўллари лойиҳалаш (CAD)» фанини ўқитишда эса «Кредо дороги» ўқув дастурларидан самарали фойдаланмоқдамиз, – дейди институтнинг Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси доценти Барно Салимова. – Талабалар геодезик ўқув амалиёти вақтида олган натижаларини қайта ишлаш, улар ёрдамида топографик хариталар ва жойини рақамли моделини ҳосил қилишни, мураккаб геодезик масалалар ечишни «Кредо геодезия» ўқув дастуридан фойдаланган ҳолда бажармоқдалар. Битирувчи курс талабалари

эса мураккаб шароитларда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, йўл элементларини амалдаги меъёрий-ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, йўлларни жиҳозлаш схемаларини ҳосил қилиш, автомобиль йўлларини лойиҳалашда BIM технологияларини қўланиш «Кредо дороги» ўқув дастури ёрдамида ўрганаётганлари эътиборли. Ушбу дастурларни талабалик вақтида яхши ўзлаштирган битирувчи курслар келгусида ўз соҳаси бўйича етук мутахассис сифатида «Кредо» дастурини қўллаган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ишларини ташкил қилишда иш фаолиятларини олиб борадилар.

– Минск шаҳрида ўз фаолиятини олиб бораётган «Credo» компаниясининг асосий йўналишларидан бири бу автомобиль йўлларини лойиҳалаш, уларни қуриш ва эксплуатациясини амалга оширишда, геодезик ахборот алмашишуви ва геодезия тадқиқотларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали самарали дастурларни ишлаб чиқиш, уни соҳа вакиллари тақдим этишдан иборат, – дейди компаниянинг бўлим бошлиғи Сергей Коледа. – Бугунги кунда МДХ ва Осие давлатларида кенг қўлланилиб, лойиҳалаш жараёнини самарали кечилишига ҳисса қўшиб келувчи ушбу дастурлар геодезия ишларидан тортиб, йўлларни қуриш ва уни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни қамраб олади. Бу эса йўл қурилиш тизимида фаолият юритиётган соҳа мутахассислари учун дастурламалдир. Чунки, соҳа вакиллари ягона дастурдан фойдаланган ҳолда лойиҳани бибидан охиригача бўлган ишларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистонда йўл қурилиш соҳасида ижобий ишлар

амалга оширилмоқда. Бизнинг дастурлар ҳам Ўзбекистоннинг рельефи, иқлими, катта автомобиль йўлларидан шарт-шароитлар, имкониятлар, йўлсозликдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, параметрларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилгани билан эътиборга молик.

2019-2020 ўқув йилидан эътиборан таълим даргоҳида Беларуссия миллий техника институтининг «Халқаро Қўшма дастур» факультети ташкил этилган. Ушбу факультетда талабалар автомобиль йўлларини, йўл ўтказгичларини, кўприкларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт иншоотларини эксплуатацияси, геодезия ва геинформатика, автомобиль транспорти ва йўл қуриш машиналари, жиҳозларини эксплуатация қилиш каби йўналишларда тахсил олмақдалар. Бугунги кунда белоруслик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт, йўл ҳўжалигида рақамли иқтисодиётни жорий этиш каби йўналишлар бўйича ўқув дастурлари устида иш олиб борилмоқда. Ташкил этилган, ушбу халқаро анжуманда эса талабалар геодезия ва автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, ундан фойдаланиш бораида янги билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда.

Тадбирда иштирок этган талаба-ёшлар, лойиҳалаш, муҳандислик ташкилотларининг ёш мутахассислари ўтказилган тақдимотлар доирасида геодезия, автомобиль йўлларини лойиҳалаш жараёнида автоматлаштиришнинг замонавий усул ва услублари, йўл қурилишига рақамли технологияларни жорий этиш, йўлларнинг эксплуатациясини самарали ташкил этиш бораида ўзларининг билим ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

Наргиза МИРЎҚУБОВА, «O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

5 та муҳим ташаббус. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус ёшларимиз учун катта имконият эшикларини очмоқда. Юртимиз ўғил-қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эзгу ғоя интилишларини рағбатлантириш, айниқса навқирон авлод вакиллари китобхонликка кенг жалб этиш орқали муталаанинг завқли онлига ошно этиш ташаббусининг бош мақсадларидан бири ҳисобланади.

Маънавий тадбир ташкил этилди

Тошкент архитектура-қурилиш институтини профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшларидан иборат гуруҳ Қўшраи туманидаги 42-сонли таянч-ҳаракат аппаратида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлдилар. Ушбу муассасада ўқувчи-болалар ҳолидан хабар олиниб, кутубхона фондини янада бойитиш мақсадида уларга турли қизиқарли ва бадиий китоблар тақдим этилди. Мактаб-интернатга ташриф буюрган институтнинг Бино ва иншоотлар қурилиши факультети профессор-ўқитувчилари ва талабаларига муассаса раҳбарияти ходимлари бу ерда тарбияланаётган ўқувчилар ҳақида, уларга яратилган шарт-шароитлар, мактаб фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

– Ташкил этилаётган бу каби маънавий тадбирлардан ўқувчилар завқ оладилар, – дейди Тошкент архитектура қурилиш институтини Қурилиш механикаси ва иншоотлар элизилабардорлиги кафедраси ўқитувчиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул Шухрат Аскархўжаев. – Ўқувчи-болалар орасида санъатга, шеърятга, адабиётга қизиқувчилар, истеъоддилари жуда кўп экан. Уларга турли адабиётлар тақдим этилганида кўзлари қувончдан порлаб кетди, даровда ана шу китобларни варақлашга, бир-бирларига алоҳида бир севинч билан кўрсатишга ошиқдилар. Айтиш мумкинки, мана шундай тадбирлар ёшларнинг истеъод ва маҳоратини кенг намоян этишларида айна мuddаодир.

Тадбирда кафедра профессор-ўқитувчилари ўқувчи-болаларга ўзларининг самимий тилакларини, эзгу ниятларини билдириб, ўқувчилар эътиборига концерт дастури ҳавола қилинди.

Ўз муҳбиримиз.

САМАРҚАНДДАН ХАБАРЛАР

Самарқандда
ХОСПИС очилади

Самарқандда 50 ўринли ХОСПИС (касаликнинг охириги босқичида тузалмайдиган беморларга аҳолини енгиллаштирувчи, уларга ёрдам кўрсатувчи тиббий ва ижтимоий муассаса) ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

Вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмаси бўйича 7,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган, бинонинг қурилиш-тиклаш ишлари «Қобил Мирзо» ХИЧК зиммасига юклатилган. Айтиш жоизки, «Самарқандтйбллойха» МЧЖ томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларига, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Самарқанд вилояти филиалининг ҳулосаси берилган бўлиб, мукамал меъморий ечим ва қулай шарт-шароитларни қамраб олган.

– Мазкур шифо маскани давлатимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юқори поғонага кўтариш бўйича савий-ҳаракатларининг ёрқин намунаси, – дейди буюртмачи ташкилот техни-

ка назоратчиси Акмал Тўрақулов. – Чунки ХОСПИС сингари хизмат тури биз учун янгилик ҳисобланади ва у касал парваришида қийналган оила-ларнинг жонига оро кириши, шубҳасиз. Шу боисдан бино ҳар томонлама талабга жавоб бериши, жаҳон андозалари даражасида таъмирланиши ва жиҳозланишига жиддий аҳамият қаратаемиз. У вилоят ҳокимининг шахсий назоратида турганлиги ҳам бежиз эмас. Пудрат ташкилотининг тажрибали ишчи-хизматчилари, бичоқдорлари бунга чуқур ҳис этиб, барча топшириқларни масъулиятли, ўта нозиклик билан бажаришга тўғри келган эътиборга сазовор. Зеро кексаларга, беморларга эъзоз кўрсатиш улуг қадриятларимиздан биридир.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Жомбойда
замонавий тегирмон

Самарқанддаги «Жомбойдон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида янги тегирмон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Юқори сифатли, олий навли ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехнинг очилишида вилоят ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

«Самарқанд – Тошкент» автомобиль йўлининг ёқасида жойлашган комбинат ҳақида билмаганлар кам бўлса керак, орамизда. Маҳобатли эливатер, унга таш мажмуа тарихи ўтган асрнинг 70-йилларида бошланиб, катталиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати билан ажралиб турган. 1992 йилда Швейцариянинг «Бюллер» фирмасининг технологик жиҳозлари ўрнатилгач, бу ерда маҳсулот тайёрлаш микдори янада ошди. Аммо 2018 йилда ҳукуматимиз ташаббуси билан цехларни қайта модернизациялашга қарор қилинди.

– Қарийб бир йил давомида корхонада улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширдик, – дейди техника бўлими бошлиғи Мавлон Саидов. – Инвестиция дастурига мувофиқ Туркиядан 1 400 минг АҚШ доллари ҳисобига энергиятежамкор технологик ускуналар олиб келинди. «Ekap makina» компаниясига тегишли ушбу

жиҳоз энг замонавий русумда бўлиб, бир кеча-кундузда 300 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Қолаверса, унинг автоматлаштирилганлиги ва рақамли технологияга асосланганлиги иш жараёнини анча осонлаштириш билан бирга, ишчи кучини қисқартириш имконини беради. Янги тегирмоннинг ишга туширилишида қурувчиларимизнинг меҳнатларини таъкидлаб ўтиш керак. Хуллас, янгиланган тегирмоннинг фойдаланишга топширилиши корхонамиз учун янада юксалиш йўлини очиши, шубҳасиз.

Айтиш керакки, айни пайтда жамиятда 600 нафар киши иш билан таъминланган. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, мазмунли дам олиши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Янги тегирмоннинг очилишига бағишланган тадбир ходимларнинг 15 нафар фарзандлари сунат тўйига улашиб кетгани ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бугунги кунда Корея технологияси, гидропоника усулида ноз-неъмат етиштириш, эл дастурхони тўқин-сочинлигини таъминлаш анчагина машаққатли меҳнат ва тер тўкишни талаб қилади.

Дастурхон
маъмурчилигига ҳисса

Бу оғир, аммо завқли юмушни бажаришни зиммага олган инсонлар эса фидокорлик кўрсатибгина қолмай, чинакам муъжиза яратадилар, маъмурчиликка муносиб улуш қўшадилар. Самарқандлик Акмал Насимовни ана шундай тадбиркор йигитлар сирасига киритиш мумкин. У 2018 йилдан буён Пастдаргом туманидан ажратилган 1,7 гектар майдонда плёнкали ёпиқ «том»лар ташкил этиб, аёз қўйнида ёз яратиш билан шуғулланмоқда.

– Биз жорий мавсумда илгор агротехник тадбирларга асосланиб, 50 тонна помидор етиштиришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз, – дейди Акмал Юсуфович. – Бундан ташқари, чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва паррандачиликни

ривожлантириш билан шуғулланаямиз. Сирдарёдан олиб келинаётган бройлер жўжаларни парваришлаш эвазига парҳез гушт ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир замонавий фабрика барпо этиш бўйича режаларни амалга ошириб, смета ҳужжатлари тайёрланаётир.

«Даргомпрестиж» МЧЖ раҳбарияти меҳнати самараси кетма-кет, албатта. Олинган пайтда ҳисобидан ишчилар турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилган. Жамоа янги истиқболли навлар ҳисобига ҳосилдорликни ошириш йўлида ҳам тинимсиз изланмоқда. Турдош корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳамда тажриба алмашиш ҳам ижобий натижа бераётир.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилоят ҳокимлиги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 25 февралдаги 15(364)-сонидан чоп этилган эълонга 2020 йил Инвестиция дастурига киритилган объектларнинг бошланғич нархи ва муддати ўзгартирилгани муносабати билан тендер ва танлов савдолари 2020 йил 24 мартдан бошлаб ўтказилишини маълум қилади.

ТЕНДЕР БЎЙИЧА:

№	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚС билан	Бошланғич нархи ҚҚСсиз	Ишларни тугаллаш муддати
1.	Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги 150 ўринли 24-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (150 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш	1 421 996 909	1 236 519 052	180 кун
2.	Кўкун шаҳридаги «Муруват» ноғирон эркакларга мўлжалланган интернет уйи биноларини реконструкция қилиш	10 526 520 476	9 153 496 066	210 кун
3.	Фарғона вилояти, Сўх тумани, Ровон қишлоғидаги туман Тиббиёт бирашмасини реконструкция (25 ётоқли юқумли касаликлар биноси қуриш) қилиш	3 699 701 741	3 217 131 949	240 кун
4.	Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (240 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш	1 870 887 369	1 626 858 582	210 кун
5.	Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги 34-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (12х24 ўлчамли спортзал қурилиши) қилиш	1 455 331 123	1 265 505 324	180 кун
6.	Фарғона вилояти, Ёзёвон туманидаги 270 ўринли 34-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (270 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш	2 479 196 743	2 155 823 255	210 кун
7.	Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 10-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш	2 427 205 836	2 110 613 770	210 кун
8.	Фарғона вилояти, Данғара туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш	2 402 535 976	2 089 161 718	210 кун
9.	Ўзбекистон тумани, Дўнгсарой қишлоғидаги 39-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш	2 874 013 043	2 499 141 777	210 кун
10.	Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги 8-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (12х24 ўлчамли спортзал қурилиши) қилиш	1 476 800 007	1 284 173 919	180 кун
11.	Фарғона вилояти, Кўкун шаҳридаги 39-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (420 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш	4 020 511 695	3 496 097 126	210 кун
12.	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Миндонобод қишлоғида 480 ўринли умумтаълим мактаби қурилиши	8 047 131 474	6 997 505 629	240 кун
13.	Фарғона вилояти, Сўх тумани, «Сарибозорча» МФИда 264 ўринли янги умумтаълим мактаби қурилиши	5 836 956 720	5 075 614 540	240 кун
14.	Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 20-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш	4 126 031 820	3 587 853 756	210 кун
15.	Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, «Хайдаробод» МФИда 264 ўқув ўринли янги умумтаълим мактаби қурилиши	5 753 618 123	5 003 146 194	240 кун
16.	Фарғона шаҳридаги 40-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (қўшимча 420 ўринли ўқув блоки ва актив зали қуриш) қилиш	3 933 779 084	3 420 677 464	210 кун
17.	Олтиариқ тумани, Қизилтепа қишлоғидаги «Олтиариқ» санаториясидаги мавжуд бино-иншоотларини реконструкция (100 ўринли ётоқхона биноси қуриш) қилиш (3-этап)	5 387 514 307	4 684 795 049	240 кун
18.	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Шоҳмардон» МФИдаги вилоят Пульмонология касалхонасини реконструкция (140 ётоқли даволаш биноси қурилиши) қилиш	6 192 232 905	5 384 550 352	240 кун
19.	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ёруғлик кўчасида 264 ўринли умумтаълим мактаби қурилиши	5 881 082 906	5 113 985 136	240 кун
20.	Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги 7-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш	1 828 519 394	1 590 016 864	180 кун
21.	Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 1160 ўринли 10-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш	5 495 882 823	4 779 028 541	210 кун

ТАНЛОВ БЎЙИЧА:

№	Объект номи ва манзили	Бошланғич нархи ҚҚС билан	Бошланғич нархи ҚҚСсиз	Ишларни тугаллаш муддати
1.	Фурқат туманидаги 2-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (12х24 ўлчамли спортзал қуриш) қилиш	1 323 151 145	1 150 566 213	180 кун
2.	Ўзбекистон туманидаги 26-сонли умумтаълим мактаб (филиали) ни реконструкция (12х24 ўлчамли спортзал қуриш) қилиш	1 333 019 889	1 159 147 730	180 кун
3.	Тошлоқ туманидаги 120 ўринли 4-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (қўшимча 120 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш	1 167 870 304	1 015 539 395	180 кун
4.	Учқўприк туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (120 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш	1 046 773 911	910 238 184	180 кун

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2020 йил 12 мартдаги 239-сонли буюртмаомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Сирдарё вилояти, Ховос туманида жойлашган **умумий майдони** – 5600 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 892,0 квадрат метр савдо расталари ва автотурагоҳ, 9 та литердан иборат, 1 қаватли «Ховос деҳқон бозори» мажмуаси. **Бошланғич баҳоси** – 1 962 303 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 18 март куни, соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 18 март куни сотилганга тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 24, 27 март кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ёлибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичда сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдога иштирок этиш учун ариза топширигуга қадар, тўлашлари шарт: 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207122519.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Х. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

Тел.: (71) 237-23-96.
Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru
Веб-сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0001-сонли лицензия.

«Андиджон мулк маркази» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг 2020 йил 11 мартдаги 17/1-46-сонли сўров хати ва 2020 йил 11 мартдаги 17/3-48-сонли буюртмаомасига асосан, Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг балансида бўлган Андижон шаҳар Навойй шохқўчаси, 26-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларини аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 127 ОАА бўлган «ГАЗ-66» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 4 617 872 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 129 ОАА бўлган «ГАЗ-3307-30» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 7 037 750 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 204 ОАА бўлган «ГАЗ-53» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 7 532 234 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 210 ОАА бўлган «ГАЗ-53» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 6 158 957 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 128 ОАА бўлган «ГАЗ-3307-30» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 7 037 750 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 274 VSF бўлган «ГАЗ-3307-30» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 6 613 400 сўм.

1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 446 VSF бўлган «ОТАЙУЛ» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 15 894 003 сўм.

1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 084 VSF бўлган «УАЗ 3151201» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 4 372 136 сўм.

2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 239 VSF бўлган «МИДИБУС М-24,9» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 8 413 812 сўм.

2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 425 VSF бўлган «МИДИБУС М-24,9» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 16 828 944 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 60 103 ОАА бўлган «ИЖ-2715» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 3 259 798 сўм.

1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 060 VSF бўлган «HUMMER» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 46 317 621 сўм.

2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 253 VSF бўлган «МАТИЗ» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 5 578 925 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 401 VSF бўлган «ДАМАС» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 6 606 000 сўм.

1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 278 VSF бўлган «ГАЗ-2411» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 1 993 901 сўм.

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 415 VSF бўлган «ВАЗ-21061» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 1 563 844 сўм.

1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 299 VSF бўлган «ВАЗ-2106» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 1 494 851 сўм.

1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 052 VSF бўлган «ВАЗ-21061» русумли автомашинаси, **бошланғич баҳоси** – 1 494 851 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 16 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларига аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2020 йил 16 апрель куни бўлиб ўтадиган савдо учун 13 апрель соат 18 00 га қадар.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 16 апрелдаги савдода сотилганга тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдолари 2020 йил 20 апрель ва 24 апрель кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг вакили билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган ҳар бир иштирокчи кўрсатилган ахборот маслаҳат хизмати учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари, яъни 223 000 сўм миқдорига тўловни амалга оширади. Шу билан бирга 10 фоиз миқдорда комиссия тўлов аукционда ёлиб бўлган харидор тамонидан сотилган мулк қийматидан ташқари амалга оширилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Андиджон мулк маркази» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 3049 4115 6002 АТ «Савдогар» банк МФО 00081 СТИР 802 126 734.

Аукцион савдолари қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Андижон шаҳри, Навойй шохқўчаси, 71-уй, 1-қават, «Андиджон мулк маркази» МЧЖ.

Телефонлар: (74) 223-08-52, (93) 447-08-13.
00156 рақамли гувоҳнома.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси



жаннатмонанд диёримиз аҳлини,
 ўзларининг фидокорона меҳнатлари
 билан озод юртимизни
 янада обод қилаётган бунёдкорларни
 янгилашни ва яшариш айёми –

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди.
 Дунё аҳлини лол қолдираётган
 обод юртимиз бундан-да чирой очиб,
 унинг тинчлиги ва осудалигига
 асло кўз тегмасин!



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

Барча юртдошларимизни
 халқимизнинг бир неча
 асрлик тарихга эга бўлган миллий байрами –

Наврўз айёми

билан самимий муборақбад этади.
 Ҳўш кайфият, соғлиқ-саломатлик доимий
 ҳамроҳингиз бўлсин!

Хонадонингизни тинчлик-фаровонлик
 тарқ этмасин, азизлар!



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

Ватанимизнинг нуллаб-яшнашга
 муносиб хисса қўшаётган бунёдкор халқимизни
 ўлкамизга кириб келган уйғониш айёми –

Наврўзи олам

билан самимий қўплайди.
 Ушбу шодиёна кунда барганизга сўхат-саломатлик,
 қалбимизга қувонч ва шодлик ҳаммиса
 ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!




НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

ватандошларимизни
 янгилашни фасли
 даракчиси бўлмиш

Наврўзи олам

билан чин дилдан
 табриклайди!

Ушбу айёмда
 барчангизга
 баҳорий кайфият
 ҳамроҳ бўлсин.



ТОШКЕНТ ШАҲАР
қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

халқимиз томонидан ҳар доим орзиқиб кутилиб, кенг нишонлангани байрам –
Наврўзи олам
 билан барчани муборакбод этади.
 Ушбу айём дастурхонингизга файзу барака,
 хонадонингизга фаровонлик олиб келсин, азиз юртдошлар!
 Мустаҳкам соғлиқ ва байрам кайфияти, сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Таваллуғ
айёмингиз
билан!

Март ойининг шу кунларида ўз таваллуғ айёмларини нишонлаётган Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги етакчи мутахассиси **Нигора Абдурауповна Абдугаффарова** ва бош мутахассиси **Миршод Ибрагим ўғли Бурҳоновни**, шунингдек, Бухоро вилояти Қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси **Равшан Муратович Раҳматуллаевни** чин дилдан табриклаймиз.

Барчангизга оилавий бахт, тан сиҳатлик, хотиржамлик, юртимиз ободлиги йўлидаги ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

барча юртдошларимизни бетакрор айём –
Наврўзи олам
 билан чин юракдан муборакбод этади!
 Ватанимиз тараққиёти йўлида
 асло чарчаманг, деб қоламиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
қурилиш соҳасида
ҳудудий назорат инспекцияси
жамоаси

меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни
 қириб келмаётган
Наврўз айёми
 билан самимий табриклайди!
 Халқимизга оилавий хотиржамлик,
 бахт-саodat ҳамда улкан муваффақиятлар
 ёр бўлсин.